

Ishonch

2018-yil 20-yanvar • shanba • № 9 (3982)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Соглом рақобат муҳитини ривожлантириш ва кенг турдаги ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини кенгайтириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, мазкур тармоқдаги мавжуд тизимли муаммоларга барҳам бериш бозорини сифатли, хавфсиз, арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш ва бутун мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг энг муҳим шартини ҳисобланади.

Шу билан бирга, хом ашё базасининг чекланганлиги, жумладан муқобил ёғ олинадиган экинлардан етарлича фойдаланмаслик ёғ-мой корхоналарининг мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ишга солишни таъминлаш ва бозорнинг сифатли ёғ-мой маҳсулотларига бўлган талабни қаноатлантириш имконини бермайд.

Ёғ-мой корхоналарида замонавий технологияларнинг паст даражада жорий этилганлиги ишлаб чиқариш фаолиятини лозим даражада назорат қилиш ва ҳисобини юритишга тўқсизлик қилмоқда, хом ашё ва тайёр маҳсулотларни талон-торож қилиш ҳолатларига, шунингдек, бошқа суиистеъмолчиликларга олиб келмоқда.

Хом ашё ресурслари ва тайёр ёғ-мой маҳсулотларини тақсимлашнинг самарасиз ва замонавий бозор принципларига жавоб бермайдиган механизмни кўп сонли чайковчилик бўғинлари ва бозорда сунъий тақчиллик юзага келишига ҳамда оқибатда ёғ-мой маҳсулотлари нарҳининг асоссиз ўсишига олиб келмоқда.

Ёғ-мой тармоғини замонавий бозор механизмларини кенг жорий этиш асосида жадал ривожлантиришни таъминлаш ва ёғ-мой саноатини бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси вазибаларига мувофиқ:

1. Қуйидагилар:
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш тизимларини ўрганиш натижалари;

«Ўзпахтасаноатэкспорт» ХКга тегишли бўлган «Ўзпахтаёғ» АЖ устав капиталидаги улуш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тўқдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3408-сон қарорига мувофиқ давлат мулкига номинал қиймат бўйича ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ресурс базасини кенгайтириш, ёғ-мой корхоналаридаги асбоб-ускуналарни модернизация қилиш, уларни ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилиш ва ҳисобини юритишнинг замонавий тизимлари билан жиҳозлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг шрот ва шелухани сотиш бўйича «Озука ем таъминоти» МЧЖ корхоналарини тугатиш; кейинчалик саноатда қайта ишлаш учун мўлжалланган экстрактли пахта ёғи биржа савдолари орқали фақат «Ўзпахтаёғ» АЖ корхоналарида сотилиши ҳақидаги тартибни белгилаш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

4. 2019 йил 1 январга қалдар мuddатга ўсимлик ёғини ишлаб чиқарувчилар импорт ёғ-мой хом ашёси асосида ишлаб чиқарилган ҳажмлар бўйича қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ва «Ўздонмаҳсулот» АЖ билан биргаликда икки ой мuddатда омухта ем ишлаб чиқаришнинг кенгайтириш бўйича, жумладан:

- омухта ем ишлаб чиқариш юзасидан амалдаги қувватларни инвентаризациядан ўтказиш;
- омухта ем ишлаб чиқариш учун бозордаги эҳтиёж ва мамлакатда мавжуд бўлган ресурс базасини ўрганиш;
- чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик секторлари бўйича омухта ем тайёрлашнинг ил-

мий асослантирилган рецептураларини ишлаб чиқиш;

маккажўхори ва бошқа бошоқли дон экинларидан, шунингдек, ёғ-мой, ун маҳсулотлари, спирт ва пиво ишлаб чиқаришдаги чиқиндилардан омухта емнинг замонавий саноат ишлаб чиқаришнинг ташкил этишни назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бир ой мuddатда: чигитни қайта ишловчи ёғ-мой корхоналарини чигитни юклаш, қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнини реал вақт режимида кузатиш, жумладан хом ашё, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларни ўлчаш ва ҳисобини юритиш имконини берувчи автоматлаштирилган тизимлар билан;

чигит, пахта ёғи, шрот ва шелухани ташийдиган юк автомашиналарининг ҳаракатланишини реал вақт режимида мониторинг қилиб бориш учун уларни замонавий GPS трекерлар билан жиҳозлаш бўйича чоралар кўрсин.

7. «Ўзпахтаёғ» АЖ Тошкент шаҳар, Шота Руставели кўчаси, 8-уй манзили бўйича жойлаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари З.Т.Мирзаев, Н.С.Отажонов ва С.Р.Холмуродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 19 январ

Юксалиш одимларини белгилаётган ислохотлар

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, аввал белгиланган вазибалар ижроси билан танишиш мақсадида 19 январ куни Сурхондарё вилоятига таширф буюрди.

Сурхондарё вилояти улкан иқтисодий имкониятлари, географик ва транспорт салоҳияти билан мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўрин тутди. Вилоятнинг ер ости ва ер усти бойликларидан унумли фойдаланиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳудуднинг саноат салоҳиятини юксалтириб, экспортбоп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга хизмат қилаётган бўлса, аграр тармоқда юз бераётган ўзгаришлар аҳолининг тўқин, обод ҳаётини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 10-11 феврал кунлари вилоятга таширфи чоғида белгилаб берилган вазибалар ижроси доирасида замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар ишга туширилиб, қўллаб янги турдаги маҳсулотларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Сервис ва хизмат кўрсатиш тар-

моқлари янги босқичда ривожланишга юз тудди. Кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ташкил этишга эътибор янада кучайди.

Шавкат Мирзиёев вилоятга таширфини Термиз туманидаги «Inter Silk Pro» қўшма корхонасига қарашли пиллахона билан танишишдан бошлади. Бу ерда Хитой технологияси асосида пилла етиштирилиб, қайта ишлаш тармоқларига етказиб берилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 29 мартдаги қарори асосида «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ташкил этилган эди. Уюшма томонидан бугунги кунда тармоқни жадал ривожлантириш мақсадида соҳага инновацион ғоя ва технологиялар жорий этилмоқда.

Илғор хорижий тажрибалар асосида 2017 йилда барпо этилган пиллахонада плёнка остида ҳамда сунъий дасталарда саноат-

боп хом ашё етиштирилади. Бунда барг сарфи 30 фунггача камайд, шу билан бирга, биринчи-иккинчи ёшдаги ипак курти боқилиб, касаначиларга тарқатилади. Сунъий дасталарнинг афзаллиги шундаки, курт пиллани стандарт ҳолатда ўрайди.

5 гектарлик қуртхонада 10 киши доимий, 70-75 киши мавсумий ишлайди. Бу ерда 100 бош парранда, 50 кути асалари, шунингдек, чорва моллари, қуён парвариланмоқда.

Ушбу маскандаги тутзор ҳам инновацион усулда, 0,90х0,20 схемаси асосида ташкил этилган. Бунда бир гектарга 55 минг тулдан зиёд тут қўчати ўтказилади ҳамда йилга уч марта барг олинади. Шу асосда вилоятда йилга 2-3 марта пилла етиштириш имконияти пайдо бўлмоқда.

ҲАМДАРДЛИК

Қозоғистон Республикасининг Ақтўбинск вилоятида 2018 йил 18 январ куни содир бўлган қоронга оқибатида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳалок бўлгани муносабати билан хорижий давлатлар раҳбарлари номидан ҳамдардлик мактублари келмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев номига Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Афғонистон Ислам Республикаси Президенти

Мухаммад Ашраф Ғани, Венгрия Президенти Адер Янош, Чехия Республикаси Президенти Милош Земан томонидан йўланган самимий ҳамдардлик ва қўллаб-қувватлаш сўзлари битилган мактублар келди.

Хорижий давлатлар раҳбарлари ўз мактубларида Ўзбекистон фуқаролари ҳалок бўлгани ҳақидаги хабар уларни чуқур қайғуга солганини таъкидлаган. Содир бўлган қоронга муносабати билан улар Ўзбекистон Президенти, ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинлари, бутун халқимизга чуқур ҳамдардлик эҳзор этган.

Ҳамдардлик номалари келиши давом этмоқда.

ЎЗА

Муносабат

Ҳар қадамда бир янгилик, улкан ўзгариш. Тезкор давр эндиликда турли касб эгалари сингари шифокорларни ҳам ўз устида ишлаб, касб маҳоратини ошириб боришга даъват этаётир. Изланишлар эса фақат ютуқлар томон элтади. Қолаверса, ақлий меҳнат машаққатлари ортида хотиржамлик, қониқчи ва қалб ҳаловати бор.

Инновация — тараққиёт

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисида Муҳофизат халқимиз, Ватанамизнинг тақдир ва буюк келажига қаратилган бонс ҳам биримизни руҳий уйғоқликка чорлайди. Унда, жумладан, шундай дейилди: «Албатта, Муҳофизатномада баён этилган мақсад ва вазибаларни амалга оширишда ҳал қилувчи босқич бўладиган 2018 йил биз учун осон бўлмайди. Буни очиб айтиш керак. Лекин, халқимиз таъбири билан айтганда, сув келса симириб, тош келса кемириб бўлса ҳам, танлаган йўлимиздан қайтмаслигимиз шарт. Нега деганда, бу ҳаётда ҳеч нарса ўз-ўзиндан бўлмайди. Ўзимиз ҳаракат қилмасак, ҳеч ким бизга бегараз ёрдам бермайди. Барчамиз бир ҳақиқатни чуқур тушуниб, англаб олишимиз керак: бутун гап халқимиз, Ватанамизнинг тақдир ва келажига, жондан азиз болаларимизнинг бахти ва камоли ҳақида бормоқда. Шундай улғун мақсадлар йўлида барчамиз белнимизни маҳкам боғлаб ишлашимиз, бор ақл-заковатимиз, билим ва тажрибамизни, жонажон Ватанамизга фарзандлик меҳримиз ва садокитимизни сафарбар этишимиз керак».

Тиббиёт муассасалари билан танишар эканмиз, Давлатимиз раҳбарининг ҳаётбахш фикрлари бизга тамнафаслик қилди. Қаргга, қай шифонага бормайлик, бу ерда аҳоли саломатлигини йўлида олиб борилаётган амалий ишлар самараси, шифокорларнинг ўй-хаёллари, ташаббуслари, инновацион ғоялари, турли касалликларни даволашда амалиётга киритилган янги усуллар билан қизиқдик.

3 >

Ифтихор

Ер ости салтанати

Она диёримиздаги мўъжизакор иншоотлар ҳақида сўз кетганда, Тошкент метросини тилга олмасликнинг сира иложи йўқ. Пойтахтимизда ҳаракатланадиган метрополитен 29 та бекатдан иборат бўлиб, 3 йўналишда йўловчиларга хизмат кўрсатади. Ҳар бир йўналишнинг ўзига хослиги ва бири иккинчисини тақдорламайдиган услубда бунёд этилганлиги, аҳолига тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиши эътиборга сазовор. Шу боис ҳар куни 200 мингдан зиёд аҳоли метро хизматидан фойдаланади.


МЕТРОПОЛИТЕН ТАРИХИДАН

Жаҳонда дастлабки метро Лондонда 1863 йил 10 январда очилган. Поездлари «Metropolitan Railway» корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган бўлиб, буг кун ёрдамда ҳаракатланган. 7 та бекатдан иборат бу «тажриба техника» релсининг узунлиги 3,6 км. эди. Поездлар кўмирда ишлагани сабабли йўловчиларнинг юзлари қурумдан қорайишига қарамай, метро пойтахт аҳлига жуда маъқул келган. Транспортнинг янги туридан биринчи куннинг ўзидаёқ 30 мингга яқин одам фойдаланган.

Бугунги кунда дунёнинг 80 дан ортик мамлакатидеги йирик шаҳарларда метрополитенлар мавжуд. Энг йирик метрополитенлар Нью-Йорк (1868 йил), Лондон (1863 йил), Париж (1900 йил), Токио (1927 йил), Москва (1935 йил), Мехико (1902 йил), Сеул (1927 йил), Тошкент шаҳарларида жойлашган.

Энг хавфсиз транспортлар сирасига

кирадиган метрополитен йўллари ер усти, ер юзаси ва ер остида жойлашиши мумкин. Аммо кейинчалик шаҳарларнинг ривожланиши туфайли метрополитен асосан ер ости ва ер устида қуриладиган бўлди.



ТОШКЕНТ МЎЪЖИЗАСИ

Пойтахтимизда илк метро ишга тушганга 40 йилдан ошди. Унинг қурилиши 1972 йилнинг июли ойида бошланган эди. Дастлаб 1977 йилнинг ноябрда «Олмазор» бекатидан «Амир Темури хиёбони» бекатигача бўлган қисми ишга туширилган. 1980 йилнинг август ойидан «Амир Темури хиёбони»дан «Буюк Ипак йўли» бекатигача бўлган қисми қурилган, шу тариха 12 бекатдан иборат Чилонзор йўли вужудга келган.

1984 йилнинг ноябр ойида Ўзбекистон йўлининг «Алишер Навоий»дан «Тошкент» бекатигача бўлган қисми, 1987 йилнинг ноябр ойида «Тошкент»дан «Дўстлик» бекатигача, 1989 йилнинг ноябр ойида «Алишер

Навоий»дан «Чорсу»гача ва 1991 йилнинг апрел ойида «Чорсу»дан «Беруний» бекатигача бўлган қисми ниҳоясига етди ва 11 бекатдан иборат Ўзбекистон йўли фойдаланишга топширилди. Бу эса Тошкент аҳолиси учун қатта қулайлик яратиб, асосий транспорт воситаларидан бирига айланди.

Мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан «Мингўриш»дан «Шахристон» бекатигача узунлиги 7,6 километри 6 бекатдан иборат Юнусобод йўли фойдаланишга топширилди. Напижада, айни пайтда фойдаланувчилар Тошкент ер ости метрополитен тузилмаси вужудга келди. Унинг умумий узунлиги 38,25 км.ни ташкил этади.

Тонти 5:00 дан тунги 24:00 га қадар аҳоли хизматидеги метрополитен нафақат пойтахтнинг, балки мамлакатимизнинг ҳам юзи ҳисобланади. Рассомлар, меъморлар, қурувчи усталар ҳамкорлигида яратилган бир қатор бекатлар чинакам меъморий обидага айланган. Улардаги ўзига хос услуб, одатда, бирор мавзунини ёритишга бағишланади. Масалан, «Космонавтлар» бекати меъморлиги космонавтиканинг ривожланиши йўллари, «Алишер Навоий» бекати улғун мутафаккир шоир ижоди асосида ишланган миниатюралар, «Бунёдкор» бекати юртимиздаги бунёдкорлик ишларини ёритиши билан аҳамиятлидир. Бири иккинчисини тақдорламайди.

3 >

